



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ УЗОҚ МУДДАТДАГИ ФУҚАРОЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Бахтиёров Дилшодбек Умиджон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги  
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 317-ўқув гуруҳи  
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17758430>

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> November 2025  
Accepted: 12<sup>th</sup> November 2025  
Published: 28<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

*профилактика  
инспектори, чет эл давлати,  
чет элга кетиб қайтиб келган  
фуқаро, ҳамкорлик, узоқ  
муддат.*

Мамлакатимизда халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш бўйича тизимили ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентди Шавкат Мирзиёев ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, «Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиш бериш чораларини қўришимиз даркор»<sup>1</sup> такидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил  
28 апрелдаги “Чет давлатларга узоқ муддатга кетган шахсларни рўйхатини юритиш

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

тартиби ҳамда ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорлик тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 247-сонли қарори<sup>2</sup> қабул қилинган.

Ушбу қарорда қуйидаги тушунчалар белгиланган:

**“Узоқ муддат” (узоқ муддатда келиш)** – 3 ой ва ундан ортиқ муддатга хорижий давлатларда бўлиш;

**“Узоқ муддатга хорижий давлатларга кетган шахслар”** – хорижий давлатларга узоқ муддатга кетган ёки хорижий давлатларда узоқ муддат бўлиб қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар<sup>3</sup>;

**“Хорижий давлатларга узоқ муддатга кетган шахслар ҳақидаги маълумотлар”** – хорижий давлатларга узоқ муддатга кетган шахслар ҳақидаги кенг кўламдаги адлоҳида муълумотлар;

**“Худудий маълумотлар базаси”** – узоқ муддатга хорижий давлатларга кетган шахсларнинг ҳисобини юритувчи ваколатли давлат органлари ва муассасаларининг худудий автоматлаштирилган ахборот тизими;

**“Марказий маълумотлар базаси”** – Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг хорижий давлатларга узоқ муддатга кетган шахслар ҳақидаги умумлаштирилган ҳамда ваколатли давлат органлари ва муассасаларидан келиб тушган бошқа маълумотларнинг автоматлаштирилган “UMKSH” электрон сўров базаси.

**“Узоқ муддат” бўйича идоралараро ишчи гуруҳ** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг раҳбар ходимлари ва соҳавий хизматлари ҳамда бошқа ваколатли вазирлик ва ташкилотлар ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро комиссия;

Юқоридаги тушунчалардан келиб чиқиб **“яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган шахслар”** - хорижий давлатларга 3 ой ва ундан узоқ муддатга кетган ёки шунча муддат бўлиб қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатномаси бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларга айтамыз.

Яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган шахсларни хорижий давлатларга кетиш сабабларидан келиб чиқиб қуйидаги тоифаларга ажратиш олиш мумкин:

- 1) *шартнома асосида ишлаш ёки ўқиш учун кетганлар;*
- 2) *хизмат сафарига кетганлар;*
- 3) *яқин қариндошлариникига меҳмонга кетганлар;*
- 4) *дам олишга, хусусан, саёҳат қилишга, санатория ёки курортларга кетганлар;*
- 5) *даволашни учун кетганлар;*

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 апрелдаги “Чет давлатларга узоқ муддатга кетган шахсларни рўйхатини юритиш тартиби ҳамда ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорлик тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 247-сонли қароридан.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 апрелдаги “Чет давлатларга узоқ муддатга кетган шахсларни рўйхатини юритиш тартиби ҳамда ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорлик тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 247-сонли қароридан.

б) ноъмалум сабабларга кўра нолегал йўллар билан хорижий давлатларга чиқиб кетганлар<sup>4</sup>.

Яшаш манзилдан узоқ муддатга кетган шахсларни аниқлаш – доимий яшаш манзилдан турли мақсадларда узоқ муддатга республика ҳудудидан чиқиб кетган шахслар ҳақида тегишли манбалардан зарур маълумотларни олиш ҳамда олинган маълумотларни тезкор йўллар билан текшириб кўриш<sup>5</sup>.

Профилактика инспектори ички ишлар органлари ходимлари доимий яшаш манзилдан турли сабабларга кўра узоқ муддатга чет элга кетган ва қайтиб келган шахсларни аниқлаб ҳар бири бўйича “Узоқ муддатга кетган шахс ҳақида маълумот” варақасини тўлдириб, тезкор хизматларга тақдим этиб боради, узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган шахсларни, уларнинг чиқиб кетиш мақсадларини аниқлаш, бу тоифадаги шахслар, уларнинг яқинлари билан тушунтириш, огоҳликка чақириш, виктимологик ва тезкор-профилактик ишларни олиб бориш, улар орасидан одам савдоси, наркотрафик, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар содир этишга ёки уларнинг қурбони бўлишга мойил бўлган шахсларни, уларнинг жиноий алоқаларини аниқлаш, шунингдек диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятга алоқадорлигини текшириш, уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш ва унга чек қўйиш мақсадида мунтазам равишда керакли чора-тадбирларни амалга ошириб боришлари лозим.

Бугунги кунда жойларда шахсларнинг узоқ муддатга хорижий давлатларга чиққанлиги ҳолатини аниқлаш мақсадида, учта даражада ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Булар:

– ҳокимликлар даражасидаги (вилоят, туман, шаҳар узоқ муддат ҳудудий штаби) «Узоқ муддат» ишчи гуруҳлари;

– шаҳар, туман ички ишлар идоралари даражасидаги «Узоқ муддат» ишчи гуруҳлари;

– маҳалла фуқаролар йиғинлари даражасидаги «Узоқ муддат» ишчи гуруҳлари.

Маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Узоқ муддат» ишчи гуруҳлари таркиби маҳалла фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспектори, маҳалла имом хатиби, маҳалла фаоллари, маҳаллага бириктирилган газ, сув, электр таъминоти ходимлари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасаларининг масъул ходимлари киритилиши мумкин.

«Узоқ муддат» ишчи гуруҳларини ташкил этишдан кўзланган **асосий мақсад** – доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган шахсларнинг ҳақиқий сонини аниқлаш, уларнинг қаерга ва нима мақсадларда, қанча муддатга кетганлиги, ҳозирги вақтда яшаётган вақтинчалик манзили, қандай иш ва юмуш билан билан шуғулланаётганлиги, телефон рақами ҳақида батафсил маълумотлар олиш, доимий яшаш жойларига қайтиб келган шахслар билан тезкор-профилактик тадбирлар олиб бориш ва бу борадаги ишларни самарадорлигини янада яхшилашдан иборат<sup>6</sup>.

Профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларидан ҳисобдан ўтмасдан узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган шахслар аниқланган ҳолларда қуйидагилар амалга оширилади:

– профилактика (катта) инспектори узоқ муддатга кетган шахснинг доимий яшаш жойи бўйича суриштириш ишларини амалга ошириб, шахснинг ота-онаси, турмуш

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 апрелдаги “Чет давлатларга узоқ муддатга кетган шахсларни рўйхатини юритиш тартиби ҳамда ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорлик тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 247-сонли қароридан.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 апрелдаги “Чет давлатларга узоқ муддатга кетган шахсларни рўйхатини юритиш тартиби ҳамда ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорлик тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 247-сонли қароридан.

<sup>6</sup> Ички ишлар органлари профилактика фаолияти дарслигидан.

Ўртоғи ва бошқа яқин қариндошлари билан суҳбат ўтказади. Суҳбат жараёнида узоқ муддатга кетган шахснинг оила аъзоларига турли чет эл давлатларига кетган шахслар жиноятга қўл ураётганликлари учун озодликдан маҳрум этилаётганлиги, жиноят қурбонига айланиб, одам савдоси қурбони бўлаётганлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради ҳамда уларга қариндоши билан алоқада бўлганида унинг қаердалиги, қандай фаолият билан шуғулланаётганлиги ҳақида олган ҳар қандай маълумотни ички ишлар органига маълум қилишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириш чораларини кўради, шунингдек улардан қариндошининг узоқ муддатга кетишининг тўлиқ тафсилоти бўйича тушунтириш хатларини олади<sup>7</sup>;

– узоқ муддатга кетган шахснинг қўни-қўшнилари ва яқин алоқада бўлган шахслар билан суҳбатлашиб, улардан яқин танишини қачон охириги марта кўрганлиги, қайси мамлакатга ва нима мақсадда кетганлиги, ким билан қачон кетганлиги ҳақидаги маълумотларни сўраб-суриштириб, кўрганбилганлари ҳақида тушунтириш хатларини олади;

– хизмат кўрсатиш ҳудудида истиқомат қилувчи доимий яшаш манзилдан узоқ муддатга чет эл давлатларига кетган ва қайтиб келган шахсларни аниқлаш чораларини кўриб, ҳар бир шахс бўйича маълумотларни белгиланган тартибда китобларда қайд этиб боради.

Профилактика инспектори доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чет элга кетган шахслар бўйича қуйидаги тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширади: а) доимий яшаш жойидан узоқ муддатга кетган шахс юзасидан шубҳали маълумотлар (диний экстремистик оқимларга кирганлиги, мойиллиги, уюшган жинойий гуруҳларга аъзолиги ва бошқалар) олинганда ички ишлар органлари раҳбариятига ва тезкор хизматларга билдирги орқали маълум қилинади; б) тезкор хизмат ходими билан профилактика инспекторининг узоқ муддатга кетган шахс бўйича “Тезкор-профилактик тадбирлар” режасини ишлаб чиқиш, уни раҳбариятга тасдиқлатиш ва ундаги тезкор-профилактик тадбирлар ижросини таъминланади; в) узоқ муддатга кетган шахс бўйича махсус тоифадаги шахсларга топшириқ бериш ва ундан олинган ахборотлар юзасидан текширувлар ўтказилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини олдини олишдан унинг барвақт профилактикасини ташкил этиш муҳим эканлигини инобатга олиб, профилактика инспектори таълим муассасалари билан ҳамкорликда касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда мунтазам “Давомат” тадбирларини амалга ошириб боришлари, ўқишга узоқ вақт келмаган ўқувчилар аниқланганда, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаши, айбдорларга нисбатан тегишли маъмурий таъсир чораларини кўрилишини ташкил этиши лозим. Мазкур йўналишда вояга етмаганларга доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетишнинг оқибатлари тушунтириш, бу борада видеороликлар, кинофильмлар намоиш қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида фуқоролар ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларининг устин эканлиги ўз аксини топди. Узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқороларга тиббий кўрикни ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги 17-сонли қўшма қарорига асосан ҳориждан келган ҳар бир республикамиз фуқороси қонунчиликда белгиланган

<sup>7</sup> Ички ишлар органлари профилактика фаолияти дарслигидан.

тартибда тиббий кўриқдан ўтадилар. Узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқаролар қонунчиликда белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтадилар.

Узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг тиббий кўриқлари давомида касаллик аниқланган ҳолатда уларга ўз вақтида ва малакали даво ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳар чорак якунида узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар ҳудудлар кесимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар билан тиббий кўриқдан ўтказилган фуқаролар ҳақидаги ҳисоботларни солиштиради, таҳлил қилади ҳамда натижасига кўра тегишли чора-тадбирлар белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар чорак якунида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг таҳлилий ишчи гуруҳига маълумот тақдим этади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки чет елга бориб қайтиб келган фуқаролар билан амалга оширилган чора-тадбирлар профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини беради. Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Ушбу вазифаларни сидқидилдан бажариш керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 апрелдаги “Чет давлатларга узоқ муддатга кетган шахсларни рўйхатини юритиш тартиби ҳамда ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорлик тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 247-сонли қароридан.
3. Ички ишлар органлари профилактика фаолияти дарслигидан.
4. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. профилактика инспекторининг патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини

такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.

5. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //central asian journal of multidisciplinary research and management studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.

6. Мустофақулов, Б. А. Ў. (2025). профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар асосий йўналишлари. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(5), 21-26.

7. Мустофақулов, Бобур Асрор Ўғли. "профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар асосий йўналишлари." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.5 (2025): 21-26.

8. Мустофақулов Б. А. Ў., Дўсмуродов М. Э. профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 147-153.

9. Мустофақулов Б. А. Ў., Мамарахимов А. М. Ў. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш //central asian journal of multidisciplinary research and management studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 217-221.

10. Бобур М., Ўғли А., Обиджонов У. Ж. Ў. профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 33-39.

11. Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.

ACADEMY